

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

МАДАМИНОВ РУСЛАН РАМАНБЕРДИЕВИЧ

**СТРЕСС ФАКТОРЛАРНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ РИВОЖЛАНИШИГА
ТАЪСИРИНИ МАСОФАДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР
ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ**

03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадаминов Руслан Раманбердиевич

Стресс факторларнинг кузги буғдой ривожланишига таъсирини масофадан олинган маълумотлар ёрдамида баҳолаш..... 3

Мадаминов Руслан Раманбердиевич

Оценка влияния стресс факторов на развития озимой пшеницы с помощью данных дистанционного зондирования..... 21

Madaminov Ruslan Ramanberdiyevich

Impact assessment of stress factors on winter wheat development with remotely sensed data ...39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B53.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

МАДАМИНОВ РУСЛАН РАМАНБЕРДИЕВИЧ

**СТРЕСС ФАКТОРЛАРНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ РИВОЖЛАНИШИГА
ТАЪСИРИНИ МАСОФАДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР
ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ**

03.00.07-Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/B248 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Усманов Рустам Махмудович биология фанларди доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Давронов Кодиржон Сотволдиевич биология фанларди доктори, профессор Қурбанбаев Илхом Джуманазарович биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.B53.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори Юз кўчаси.Тел.: (+99871) 264-22-30; факс: (99871) 260-23-90; e-mail: info@genetika.uz.)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори Юз кўчаси.Тел.: (+99871) 264-22-30.)

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги № _____-рақамли реестр баённомаси)

А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, к/х.ф.д., профессор

С.К.Бабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

М.Ф.Абзалов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Буғдой бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган ва энг муҳим қишлоқ хўжалиги экинларидан бири ҳисобланади. У аслида совуқ иқлим ўсимлиги бўлишига қарамаздан ҳозирги кунда дунёнинг деярли барча минтақаларида етиштирилади. Етиштириш шароитлари ҳам ҳудуд табиий тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлади. Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Покистон, Австралия ва Украина буғдой етиштириш бўйича энг илғор мамлакатлар ҳисобланади¹. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бугунги кундаги ғаллачиликнинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Масофадан объектларни ўрганиш методларидан фойдаланган ҳолда буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши, физиологиясини ўрганиш, ўсимликларга турли стресс факторларнинг таъсирини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда сўнги йилларда экинларнинг ривожланиш фазаларидаги ўзгаришларини кузатиб бориш ва турли стресс омиллар таъсирини баҳолашда масофадан объектларни ўрганиш ва геоахборот тизимларини қўллаш тобора ривожланиб бормоқда. Соҳа йўналишида олимлар томонидан ишлаб чиқилган вегетация индекслари экинлар ҳолатини, ривожланиш босқичларини, биомасса ва ҳосилдорликни, шунингдек сув ва озуқа элементлари билан боғлиқ стресс вазиятларни кузатиш ва мониторинг қилишда кенг қўлланилиб келинмоқда. Тупроқ шўрланиши, курғоқчилик ва бошқа стресс омиллар юзага келиш ҳолатларини вақтида аниқлаб, уларга қарши зарур агротехник тадбирларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда тупроқ шароитлари, ўсимлик қопламалари ва сув ресурсларини тадқиқ қилишда масофадан объектларни ўрганиш ва геоахборот технологияларини қўллаш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш"² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, қишлоқ хўжалиги ерларини бошқаришда, экинларни оптимал жойлаштиришда, турли стресс омиллар юзага келишини барвақт аниқлашда ва керакли агротехнологияларни қўллаш бўйича аниқ қарорлар қабул қилишда геоахборот технологиялари муҳим роль ўйнайди.

¹FAO of the United Nations, 2012.Crop yield response to water.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 645-сон “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли стресс факторларнинг буғдой ўсимлигининг ўсиши, морфологияси, физиологияси ва ҳосилдорлигига таъсири хорижий олимлар E.Acevedo, P.J.Kramer, J.S.Boyer, M.Wimmerova, N.Prakash, В.Н.Жолкевич, И.Г.Шматьколар томонидан ўрганилган.

Масофадан объектларни ўрганиш методларидан фойдаланган ҳолда буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши, физиологиясини ўрганиш, ўсимликларга турли стресс факторларнинг таъсирини таҳлил қилиш бўйича хорижий олимлар J.W.Rouse, A.R.Huete, H.G.Jones, X.Song, A.Pask, Y.Bao, A.C.Гребень, Т.Е.Федякинава бошқа кўплаб олимлар илмий ишлар олиб борганлар.

Мамлакатимизда кузги буғдойнинг ривожланиши ва уни етиштириш агротехникаси, кузги буғдойнинг биоэкологик, морфофизиологик хусусиятлари С.Бабоев, И.Курбанбаев, А.Аманов, Х.Тўракулов, Т.Қаршиев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган изланишларида ёритилган. Масофадан зондлаш методларидан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда физиологиясини ўрганишда фойдаланиш масалалари билан мамлакатимизда А.Акрамхонов, С.А.Авезов, М.Қ.Султанов, К.Конрадлар шуғулланган.

Кузги будойнинг турли стресс факторларга чидамлилигини оширишнинг физиологик хусусиятлари, стресс факторларнинг ўсимликларга таъсирини ўрганиш, соҳада замонавий ахборот технологияларини қўллаш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Фанлар академиясининг минтақавий

бўлими – Хоразм Маъмун академиясининг А9-ФА-12536-ФА-Т141 шифрли “Хоразм вилояти шўрланган тупроқлари шароитида буғдой дони таркибидаги клейковина миқдорини ошириш агротехнологияси” (2012-2014 йй.) ва ФА-А9-Т100 шифрли “Рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий кузги буғдой навларини синаш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли стресс факторларнинг кузги буғдой ривожланиши ва физиологик жараёнларига таъсирини масофадан олинган маълумотлар асосида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фенологик кузатишлар асосида кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланишидаги физиологик жараёнларига турли даражадаги стресс омилларнинг таъсирини аниқлаш;

сув танқислигининг кузги буғдой физиологик кўрсаткичларига, жумладан транспирация жадаллиги, барглардаги сув танқислигига ва сув сақлаш хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

тадқиқотнинг экин майдонларида тупроқ шўрланиш даражасининг масофадан олинган маълумотлар асосида кузги буғдой физиологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш мумкинлигини исботлаш;

масофадан объектларни ўрганиш услубларини қўллаган ҳолда кузги буғдойнинг стресс факторлар таъсиридаги физиологик ҳолатини таҳлил қилиш бўйича спектрал индексларни аниқлаш;

кузги буғдой ўсимлигига сув танқислиги ва шўрланиш стресс омиллари таъсирини масофадан объектларни ўрганиш маълумотлари ёрдамида таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” навидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети масофадан объектларни ўрганиш технологияси асосида олинган маълумотлар, сув танқислиги ва тупроқ шўрланиши стресс факторлари, кузги буғдойнинг физиологик хусусиятлари, спектрал индекслар ва рақамли хариталар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари сифатида физиологик, морфологик, фенологик ва масофадан объектларни ўрганиш ҳамда статистика таҳлилларининг замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига турли стресс факторларнинг таъсирини баҳолашда аэрокосмик суратлар асосида ишлаб чиқилган вегетацион спектрал индекслар аниқланган;

сув танқислиги ва тупроқ шўрланиши омилларининг кузги буғдой ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига салбий таъсири спектрал индекслар асосида исботланган;

кузги буғдойнинг ривожланиш кўрсаткичлари тегишли спектрал индекслар ёрдамида баҳоланган ва геоахборот тизими технологиялари асосидаги схематик хариталари ишлаб чиқилган;

илк бор республикамиз шароитида турли стресс факторлар таъсири остида кузги буғдой ривожланиш кўрсаткичлари ва спектрал индекслар қийматлари орасида ижобий корреляция мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги буғдойнинг физиологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун мос келадиган спектрал вегетация индекслари танланган;

кузги буғдой ўсиши ва ривожланишининг турли даврлари бўйича тадқиқот олиб борилган ҳудудларнинг космик суратлари олинган ва спектрал индекслар таҳлили натижалари асосида рақамли схематик хариталари ишлаб чиқилган;

ўсимликларни ўсиши ва ривожланишидаги физиологик жараёнларнинг ҳолатини таҳлил қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, жумладан масофадан объектларни ўрганиш технологияларини қўллашнинг юқори ижобий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган замонавий физиологик услублари ва масофадан объектларни ўрганиш технологияси асосида олинган натижалар, кўп йиллик изланишларни услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган натижаларга статистик ишлов берилганлиги ва илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси, етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий* аҳамияти турли стресс факторларнинг кузги буғдой физиологик кўрсаткичларига, стресс факторларнинг таъсирини ўрганиш бўйича спектрал индекслар ва масофадан объектларни ўрганиш усулларини қўллаган ҳолда кузги буғдойнинг физиологик хусусиятларини таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий* аҳамияти қурғоқчиликка ва шўрланишга чидамли кузги буғдой навларининг қурғоқчил ва шўрланган ҳудудларга жойлаштириш, ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг самарадорлигини ошириш имкониятини яратиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Стресс факторларнинг кузги буғдой ривожланишига таъсирини масофадан олинган маълумотлар ёрдамида таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

масофадан зондлаш методларини қўллаган ҳолда кузги буғдой ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қиладиган шўрланиш ва сув танқислиги стресс факторлари юзага келиш ҳолатларини эрта босқичларидаёқ аниқлаш Хоразм вилоятининг Урганч туманида 26 гектар ва Хива туманида 31 гектар

майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 04.10.2019 йил 02/021-2828-сон маълумотномаси). Натижада ушбу стресс омилларни ўз вақтида бартараф қилишга эришилган ва ҳосилдорлик фермер хўжаликларида гектарига ўртача 3,5 центнерга ошириш имконини берган;

тупроқ шўрланиши ва сув танқислигини аниқлаш бўйича спектрал индекслар таҳлили асосида ишлаб чиқилган рақамли хариталар Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер егалари кенгашининг 18.11.2019 йил 01/07-31-сон маълумотномаси). Натижада фақат зарур вақтлардагина суғориш ишлари амалга оширилиб, фермер хўжаликлари майдонларида гектарига ўртача 4000 м³дан 5000 м³ гача сувни тежаш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой ривожланишида стресс омилларнинг таъсири ва уларнинг спектрал хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга оид маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари, интернет маълумотлари ўрганилган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотларининг якуний хулосаси масофадан объектларни ўрганиш методларидан ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва физиологиясини

ўрганишда фойдаланиш ҳамда турли стресс факторларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ривожланишига таъсирини таҳлил қилиш соҳасида замонавий геоахборот тизими технологияларини қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Хоразм вилоятининг табиий-иқлим шароитлари, қўлланилган материаллар ва услублар”** деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилоятининг географик жойлашув ўрни билан боғлиқ бўлган табиий шароити ва об-ҳаво маълумотлари таҳлил қилинган. Жумладан, Хоразм вилоятининг географик жойлашиш ўрни, табиий иқлим шароитлари, тупроқлари, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва дренаж тармоқлари атрофлича ёритилган.

Тадқиқотлар олиб борилган майдонлар жойлашуви ҳақида умумий маълумотлар ва тадқиқотлар услубиёти атрофлича ёритилган. Тадқиқот объекти сифатида кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави хизмат қилган. Диссертацияда физиологик, фенологик, статистик, қиёсий таҳлил, ва масофадан зондлаш каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот иши доирасида сунъий йўлдошдан олинган маълумотларни табиий шароитдаги ҳолат билан қиёслаб ўрганиш ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида 2016-2018 йилларда дала ва лаборатория шароитида тажрибалар ўтказилган. Жумладан, кузги буғдой ўсиши ва ривожланиши давомида фенологик кузатувлар умумқабул қилинган услублар бўйича олиб борилган. Ўсимликлар ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан тупроқ шўрланлаши замонавий ускуналардан фойдаланган ҳолда аниқланган. Кузги буғдой ўсимлигида сув алмашинувини ўрганиш мақсадида ўсимликда транспирация жадаллиги, баргнинг сув ушлаш хусусияти ва сув танқислиги параметрлари аниқланган.

Масофадан объектларни ўрганишда кўп зонали космик суратлар ва уларни таҳлил қилишда қўлланиладиган алгоритмлардан фойдаланилган. Жумладан, Landsat 8 OLI тизими космик суратларидан фойдаланган ҳолда дастлабки таҳлил ишлари олиб борилган. Сўнгра улар R Studio дастури ёрдамида таҳлил қилиниб, вегетацион ва стресс индекслар аниқланган. Олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинган. Геоахборот тизими асосидаги фазовий таҳлиллар ESRI компаниясининг ArcGIS 10 дастури ёрдамида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Хоразм ҳудудида етиштирилаётган кузги буғдойнинг физиологик кўрсатакичлари”** деб номланган учинчи бобида дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижалари ёритилган.

Танлаб олинган тадқиқот объектларида кузги буғдойнинг ривожланиш фазалари бўйича фенологик кузатувлар олиб борилган. Бунда ҳар учала ҳудудда иккитадан дала танлаб олиниб, GPS ёрдамида географик жойлашуви

координата нуқталари белгиланган. Ҳар бир дала ичидан ҳам учтадан 1 м² тадқиқот майдончаси белгилаб олинган.

Тадқиқот майдонлари вилоятнинг турли ҳудудларида жойлашганлиги сабабли уларнинг сув билан таъминланганлик даражаси ҳам турлича. Урганч тумани “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликлари далалари Амударё ҳавзасига яқин жойлашганлигидан сув билан таъминланганлик даражаси яхши. Бу эса ўз вақтида шўр ювиш ишларини амалга ошириб, ерни экишга тайёрлаб қўйишга замин яратади. Хива тумани “Саёт” қишлоғида жойлашган “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликлари “Полвон” каналига яқин жойда жойлашганлиги туфайли шўр ювиш ва ерни тайёрлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш имкони бор. Хива туманининг энг чекка ҳудудида жойлашган “Оқёп” қишлоғидаги “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликлари эса суғориш каналининг энг охириги қисмларида жойлашганлиги сабабли юқоридаги тадбирларни амалга ошириш бироз кеч қолади.

1-жадвал.

Тадқиқот майдонларида кузги буғдой ўсимлигининг ривожланиш фазалари. 2016 й.

Фермер хўжаликлари	Экиш	Униб чиқиш (кун)	Тупланиш (кун)	Найчаланш (кун)	Бошоклаш (кун)	Сутпишиш (кун)	Мумпишиш (кун)	Тўлапишиш (кун)
“Фаррух”	23.09.2015	8-9	50-52	161-166	201-207	219-225	234-241	244-251
“Умарбек бухгалтер”	25.09.2015	7-8	48-51	160-165	200-206	218-224	233-240	243-250
“Қадам Жийилдак”	27.09.2015	10-12	53-55	161-166	201-207	216-220	233-238	243-250
“Саъдулла Сўнажон”	29.09.2015	8-10	57-61	166-171	204-210	224-230	240-247	248-255
“Давлатёр”	09.10.2015	9-11	47-50	150-155	181-186	197-203	217-223	228-233
“Бекпошша Зебо-Хива”	05.10.2015	8-10	48-51	157-160	184-188	190-195	210-216	220-225

Хоразм вилояти шароитида кузги буғдойни экиш сентябрь ойининг иккинчи ярмида амалга оширилади. Асосан, 15 сентябрдан 1 октябрга қадар экиш тавсия қилинади. “Фаррух”, “Умарбек бухгалтер”, “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида экиш ишлари тадқиқот йилларида 20-27 сентябр кунларида амалга оширилган бўлса, “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликларида шўр ювиш ишлари кеч қолганлиги сабабли экиш ишлари ҳам кечиккан (1-жадвалда тадқиқот майдонларида кузги буғдой ўсимлигининг ривожланиш фазалари тўлиқ кўрсатилган). Экиш муддати кузги буғдой тўлиқ униб чиқишига катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари кузги буғдой тўлиқ униб чиқиши жуда кўп

омилларга боғлиқдир. Булар асосан навнинг биологик хусусиятлари, тупроқ намлиги, ҳарорат ва бошқалар ҳисобланади. Тадқиқот майдонларида уруғ суви берилгандан кейин 10-15 кун ичида буғдойлар тўлиқ униб чиққан.

Қишки совуқдан кейин февраль ойининг охирларида қайта амал даври бошланади. Об-ҳаво иссиқроқ келишига қараб қайта амал даври эртароқ бошланган йилларда найчалаш даври ҳам олдинроқ бошланади. Масалан, 2016 йилда қиш иссиқроқ келиб, найчалаш фазаси март ойининг бошларида кузатилган, 2017 ва 2018 йилларда эса мартнинг иккинчи ярмида бошланган.

Апрель ойининг иккинчи ярмида буғдой ўсимлиги бошоқлаш ва гуллаш фазасига киради. Тахминан бир ҳафталарда пишиш фазасига ўтади. Пишиш фазаси ҳам уч босқичда ўтади. Биринчиси сут пишиш босқичи. Ундан кейин тахминан йигирма кунлар ичида мум пишиш босқичи, кейин эса ўн кун ичида тўлиқ пишиш босқичига ўтади. Хоразм вилоятида асосан кузда экилган буғдой июнь ойининг ўрталарида йиғиштириб олинади.

Буғдой униб чиққандан кейин тадқиқот олиб борилган далаларнинг учта жойида олдиндан белгилаб қўйилган 1 м²ли майдончалар ичида туп сони аниқланган. Бунга кўра, энг яхши кўрсаткич 2016 йилда “Фаррух” фермер хўжалигида кузатиб, 1 м²ги туп сони 420 тани ташкил қилган. Умуман олганда, юқори кўрсаткичлар “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида кузатилган. Бунда туп сони 420 дан 362 гача фарқланиб турди. Ўртача кўрсаткич “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларига тегишли бўлиб, 1 м²ги туп сони 372-316 та оралиғида бўлган. Энг паст кўрсаткич “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликларида бўлиб, туп сони 314-241 оралиғида ўзгариб турган.

Кузги буғдойда тупланиш даври тугаб, яровизация ёки тиним даврига ўтиши об-ҳаво шароитларига қараб 60-70 кун давом этади. Буғдой яровизациядан олдин қанча кўп тупланса шунча кўп поя беради. Лекин барча поялар ҳам бошоқ беравермайди. Асосий поялар тўлиқ бошоқ ҳосил қилса, ён поялар бошоқламайди ёки майда бошоқлар ҳосил қилади. Маҳсулдор поялар сони бўйича ҳам энг яхши кўрсаткич “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида кузатилган ва “Фаррух” фермер хўжалигида 511-463 оралиғида, “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида 502-463 оралиғида бўлган. “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида нисбатан камроқ, яъни мос равишда 466-414 ва 480-426 та маҳсулдор поялар мавжудлиги аниқланган. “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликларида маҳсулдор поялар сони 390-323 ва 373-354 тани ташкил қилган.

Най ўраш фазасининг охирида ўсимликлар максимал баландликка етади. Ўсимликнинг баландлиги навнинг биологик хусусиятларига, ташқи омилларга, ўғитлаш меъёрига ва олиб борилган агротехник тадбирларга боғлиқ бўлади. “Фаррух”, “Умарбек бухгалтер”, “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида буғдой пояси узунлиги 84 см

дан 96 см узунликгача етди. “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликларида эса поя узунлиги 70-76 см оралиғида бўлган. Ушбу фермер хўжаликларида поянинг нимжон ривожланишига асосан сув билан боғлиқ муамолар ва улар туфайли зарур агротехник тадбирларнинг кечиктирилиши сабаб бўлган.

Поя ўса бошлаши билан юқориги барг учидан бошоқ чиқади ва бошоқлаш фазаси бошланади. Тадқиқот майдонларида бошоқ узунлиги бўйича энг яхши кўрсаткич “Фаррух” фермер хўжалигида кузатилиб, 10,2-9,5 см оралиғида бўлган. “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида 9,8-9,2 см оралиғида, “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида 9,4-9,1 см оралиғида фарқланиб турган. “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликларида нисбатан калтароқ, яъни ўртача 8,5-7,9 см оралиғида бўлганлиги аниқланган.

Ноқулай шароитлар, асосан иқлимнинг қуруқ келиши баъзи бошоқчаларнинг тўлиқ етилмаслигига ва уларда дон шаклланмаслигига сабаб бўлади, натижада бошоқдаги дон сони сезиларли даражада камайиб, ҳосилдорлик кескин пасайиши мумкин. Тадқиқот майдонларида энг кўп дон сони “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида аниқланган ва ўртача 41-42 донани ташкил қилган. “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида бир бошоқда ўртача 35-36 та дон борлиги аниқланган. Энг кам дон сони “Давлатёр” фермер хўжалигида 28 тагача тушиб кетганлиги аниқланган.

1000 дон дон оғирлиги доннинг ҳажми ва тўлиқлигига боғлиқ бўлиб, у ҳосилдорликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Кузатувларга асосан энг юқори кўрсаткич “Фаррух” фермер хўжалигида 45,21 гр ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида 44,78 гр эканлиги аниқланган. “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида ўртача 41,43-38,38 гр оралиғида фарқланиши кузатилган. 1000 дон дон вазни “Давлатёр” фермер хўжалигида 36,46-33,54 гр ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида эса 37,80-34,77 гр га тенг бўлганлиги аниқланган.

Ҳосилдорлик барча тадқиқот олиб борилган далалардаги белгилаб олинган 3 та 1 м²ли майдончалардан буғдой кўлда ўриб олиниб ҳисобланган. Бунда энг юқори кўрсаткич ўртача 65 ц/га ни ташкил қилиб, “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида кузатилган. Деярли бир хил натижа “Фаррух” фермер хўжалигига тегишли бўлиб, ҳосил гектарига ўртача 63 центнерни ташкил қилди. Ундан кейин нисбатан камроқ ҳосилдорлик “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжалигида 61-58 ц/га оралиғида ва “Қадам Жийилдак” фермер хўжалигида эса 59-56,5 ц/га оралиғида бўлган. Энг паст ҳосилдорлик 2018 йил “Бекпошша Зебо-Хива” ва “Давлатёр” фермер хўжаликларида кузатилиб, мос равишда 44,5 ва 42,5 ц/га буғдой ҳосили йиғиштириб олинган.

Дала тажрибалари мобайнида, шунингдек, транспирация жадаллиги фаол вегетация даврида, яъни март, апрель ва май ойларининг бошларида аниқланди. Март ойида транспирация жадаллиги пастроқ, апрель ойида ошган ва май ойига келиб эса максимал даражага етган. Бунда март ойидаги энг юқори кўрсаткич кунлик ўртача 2017 йил “Фаррух” фермер хўжалигида 148,51 г/соат/м²га тенг бўлган, энг паст кўрсаткич 100,8 г/соат/м²га тенг бўлиб, бу 2016 йил “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида кузатилган. Апрель ойида энг юқори кўрсаткич ҳам “Фаррух” фермер хўжалигида 2018 йилда кузатилган. Бунда транспирация жадаллиги кундалик ўртача 282,50 г/соат/м²ни ташкил қилган. Энг паст кўрсаткич ҳам 2017 йил “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида кузатилиб, кундалик ўртача 169,76 г/соат/м²га тенг бўлган. Май ойида энг жадал транспирация 2018 йил “Фаррух” фермер хўжалигида 323,50 г/соат/м² эканлиги қайд қилинган. Ушбу ойидаги энг кам транспирация жадаллиги 2016 йил “Давлатёр” фермер хўжалигида кундалик ўртача 221,49 г/соат/м² эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич юқорилиги бўйича “Фаррух” фермер хўжалигидан кейин “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалиги туради. Ўртача кўрсаткичлар “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида қайд қилинган.

Баргларда сув танқислиги “Фаррух” фермер хўжалигида 2016 йил ўртача 30,56%, 2017 йил 29,38% ва 2018 йил 18,82 % ни ташкил қилди. “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида бу кўрсаткич 2016 йил 28,95 %, 2017 йил 33,11 % ва 2018 йил 19,81 %га тенг бўлган. Барг сув танқислиги бўйича ўртача кўрсаткичлар “Қадам Жийилдак” ва “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжаликларида қайд қилинди. “Қадам Жийилдак” фермер хўжалигида 2016 йил 36,14 %, 2017 йил 38,81 % ва 2018 йил 29,82 % га тенг бўлган. Шу аснода, “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжалигида ҳам 33,6, 34,19 ва 25,03 % эканлиги аниқланди. Баргда сув танқислиги энг юқори бўлган майдонлар “Давлатёр” ва “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжаликларида кузатилган. Жумладан, “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида 48,19, 43,46 ва 44,39 % ҳамда “Давлатёр” фермер хўжалигида 44,96, 45,85 ва 40,8 % га тенг бўлган.

Баргларнинг сув сақлаш хусусияти ўрганилганда “Фаррух” фермер хўжалигида 2016 йил 63,89 %, 2017 йил 54,21 % ва 2018 йил 64,92 % бўлганлиги кузатилган. “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида эса бу кўрсаткич 2016 йил 69,48 %, 2017 йил 77,07 % ва 2018 йил 67,33 % га тенг бўлгани қайд қилинган. “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжалигида сув сақлаш хусусияти мос равишда 77,82 %, 62,68 %, 57,13 % ва “Қадам Жийилдак” фермер хўжалигида 74,49 %, 68,49 %, 74,27 % бўлганлиги аниқланди. “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида ҳам ўсимликлар 75,79 %, 69,05 %, 70,31 % ҳамда “Давлатёр” фермер хўжалигида 70,07 %, 67,83 % ва 70,46 % сув ушлаш хусусиятига эга эканлиги қайд қилинган.

Тадқиқот майдонларида тупроқ шўрланиш даражалари 1:1 нисбатдаги тупроқ-сув суспензиясининг электр ўтказувчанлик кўрсаткичи (ЕСел:1) ўртача 3,5 коэффициентга кўпайтириш йўли билан аниқланган ва натижалар ФАО томонидан қабул қилинган классификация бўйича баҳоланган (САНИИРИ, 2007 й). Тупроқ шўрланиш даражаларини аниқлаш ҳам кузги буғдойнинг фаол вегетация даври мобайнида олиб борилган. Тадқиқот майдонлари тупроқлари электр ўтказувчанлиги аксарият ҳолларда 4-8 mS/cm оралиғида тебраниб турган. Бу эса ФАО классификацияси бўйича ўрта шўрланган тупроқлар гуруҳига киради. Баъзи ҳолларда бу кўрсаткич 8 mS/cm дан ошганлиги, яъни шўрланиш даражаси кучли бўлганлиги кузатилган. 2016 йилда максимал шўрланиш даражаси “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида май ойида 9,15 mS/cm, минимал даража эса “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжалигида март ойида 4,78 mS/cm га тенг бўлгани қайд қилинган. 2017 йилги максимал кўрсаткичлар март ойида “Умарбек бухгалтер” фермер хўжалигида 10,40 mS/cm ҳамда “Давлатёр” фермер хўжалигида 10,36 mS/cm га етгани аниқланган. Бу йили энг минимум кўрсаткичлар “Фаррух” фермер хўжалигида март ойида 3,99 mS/cm, “Саъдулла Сўнажон” фермер хўжалигида 4,38 mS/cm ва “Қадам Жийилдак” фермер хўжалигида 4,89 mS/cm эканлиги кузатилган. 2018 йилда шўрланиш кўрсаткичлари олдинги йилларга қараганда нисбатан юқорироқ бўлиб, максимал кўрсаткич май ойида “Бекпошша Зебо-Хива” фермер хўжалигида 11,19 mS/cm ва “Давлатёр” фермер хўжалигида 10,48 mS/cm га етгани қайд этилган. Минимал кўрсаткич эса март ойида “Қадам Жийилдак” фермер хўжалигида 4,92 mS/cm бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Кузги буғдой ривожланиши бўйича спектрал индекслар таҳлили натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида масофадан объектларни ўрганиш технологиялари асосида тадқиқот майдонларида кузги буғдой ўсимлиги ривожланиши ва унга стресс факторларнинг таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижалари келтирилган.

Вегетация индекси – бу вегетация хусусиятларини аниқроқ кузатиш, ҳамда ердаги фотосинтетик фаолликни ва барг пўсти тузилишидаги фазовий ва даврий ўзгаришларини таққослашга имкон яратиш учун мослаштирилган икки ёки ундан ортиқ тўлқин диапазонларининг спектрал комбинациясидир. Улар ўсимликларнинг нур қайтариш хусусиятларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва ҳар бири махсус формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

Тадқиқот ишида вегетация ҳолатини баҳолашда “Вегетация индексининг нормаллашган фарқи” (NDVI), “Такомиллаштирилган вегетация индекси-2” (EVI-2) ва “Яшил барг индекси”дан (GLI) фойдаланилган.


“Вегетация индексининг нормаллашган фарқи” вегетация кучли нур қайтарадиган яқин-инфракизил ва ютиб қолинадиган қизил нурлар

ўртасидаги фарқни ҳисоблаш орқали аниқланади. Бу кўрсаткич ўсимликлар миқдорига қараб -1 дан 1 гача бўлган қийматда ўзгаради. Буни қуйидаги формулада кўриш мумкин:

$$NDVI = \frac{(NIR-Red)}{(NIR+Red)} \quad (1)$$

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, 2016 йил Урганч туманидаги “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида NDVI қиймати февраль ойидан май ойигача ўсиб борган. Ушбу худуддан танлаб олинган майдонларда февраль ойида энг юқори вегетация 0,565, энг кам вегетация 0,167 ни ташкил қилди. Март ойида эса максимум 0,773, минимум кўрсаткич эса 0,198 га тенг бўлган, апрель ойида ҳам энг юқори кўрсаткич 0,813 ва энг кам 0,245 эканлиги кузатишган. Май ойида максимум кўрсаткич апрелдаги билан деярли бир хил, яъни 0,808, минимум кўрсаткич эса 0,303 ни ташкил қилди (1- расм).

2017 йилда NDVI кўрсаткичи февралда 0,235 – 0,149, мартда 0,339 – 0,188, апрелда 0,995 – 0,420 ва майда 0,894 – 0,474 оралиғида бўлган. 2018 йилда эса ушбу кўрсаткич февралда 0,241 – 0,129, мартда 0,535 – 0,147, апрелда 0,723 – 0,211 ва майда 0,769 – 0,416 га тенг бўлган.



1-расм. Тадқиқот объектидаги кузги буғдой NDVI кўрсаткичлари


Тадқиқот майдонларида кузги буғдой ўсимлигига сув танқислиги стресси таъсирини аниқлаш мақсадида ҳам учта спектрал индекслар таҳлил қилиб чиқилган. Булар “Намлик стресси индекси” (MSI), “Қурғоқчиликни аниқлаш учун индекс” (RDI) ва “Глобал вегетация намлик индекси” (GVMI). Мазкур индекслар япроқлардаги сув миқдори ўзгаришига таъсирчан бўлган нур қайтиши ўлчовидир ва уларни барг пўстидаги стрессларни таҳлил

қилишда, ҳосилдорликни башорат қилишда ва экотизим физиологиясини ўрганишда қўллаш мумкин.

“Намлик стресси индекси” $MSI = \frac{NIR}{Red}$ (2) формуласи ёрдамида аниқланади. У бошқа сув вегетация индексларига тескари коррелятив бўлиб, юқори қийматлар кучлироқ сув стрессини ва сув миқдори камлигини англатади.

“Намлик стресси индекси” 2016 йил Урганч тумани Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида февраль ойида 3,600-1,399, мартда 7,837-1,495, апрелда 9,705-1,648 ҳамда май ойида 7,837-1,495 оралиғида бўлганлиги аниқланган (2-расм).

2017 йилда Намлик стресси индекси мазкур фермер хўжаликларида февраль ойида 1,615 – 1,352, мартда 2,025 – 1,463, апрелда 4,443 – 2,451, ҳамда май ойида 7,949 – 2,808 оралиғида кузатилган. 2018 йилда эса ушбу қийматлар февралда 1,637 – 1,297, мартда 3,306 – 1,344, Апрельда 6,226 – 1,535 ва майда 7,670 – 2,430 оралиғида тебраниб турди.




2-расм. Тадқиқот объектидаги кузги буғдой MSI кўрсаткичлари

Танлаб олинган майдонларда кузги буғдой ривожланишига шўрланиш стресси таъсирини ўрганишда “шўрланиш индексининг нормаллашган фарқи” (NDSI), “шўрланиш индекси” (SI) ва “шўрланиш нисбати” каби спектрал индекслардан фойдаланилган.

“Шўрланиш индексининг нормаллашган фарқи” (NDSI) ни ҳисоблаш учун $NDSI = \frac{R-NIR}{(R+NIR)}$ (3) формуласидан фойдаланилди ва олинган натижаларга кўра, мазкур индекс “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер

хўжалиги ерларида февраль ойида -0,167 ва -0,565 оралиғида бўлганлиги аниқланди. Мартда -0,199 ва -0,774, апрелда -0,245 ва -0,813 ҳамда май ойида эса -0,121 ва -0,303 га тенг бўлганлиги кузатилган (3-расм).

2017 йилда бу кўрсаткич “Фаррух” ва “Умарбек бухгалтер” фермер хўжаликларида февралда -0,149 – -0,235, мартда -0,188 – -0,339, апрелда -0,420 – -0,955 ҳамда майда эса -0,474 – -0,894 оралиғида бўлганлиги аниқланди. 2018 йилда эса “Шўрланиш индексининг нормаллашган фарқи” мазкур фермер хўжаликларида февралда -0,129 – -0,241, мартда -0,147 – -0,535, апрелда -0,211 – -0,723 ва май ойида -0,416 – -0,769 оралиғида эканлиги қайд қилинган.



3-расм. Тадқиқот объектидаги кузги буғдой NDSI кўрсаткичлари

Статистик таҳлиллар натижалари. Буғдой ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишини ифодаловчи поя ва бошоқ узунлиги ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари, вегетацион индекслардан эса – NDVI, EVI, GLI кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида корреляцион таҳлил ишлари олиб борилган (2-жадвал). Бунда умумий корреляция коэффицентлари 0,674 – 0,922 оралиғида бўлиб, жуда яхши ўзаро боғлиқликни кўрсатмоқда. Фенологик кузатишлар ва масофадан объектларни ўрганиш маълумотлари орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳам етарли даражада юқори бўлиб, 0,674 – 0,824 оралиқда ифодаланган.

Вегетацион кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион матрицаси

	NDVI	EVI	GLI	Поя узунлиги	Бошоқ узунлиги	Ҳосилдорлик
NDVI	1	0,693	0,787	0,765	0,733	0,824
EVI	0,693	1	0,762	0,674	0,781	0,694
GLI	0,787	0,762	1	0,720	0,776	0,828
Поя узунлиги	0,765	0,674	0,720	1	0,922	0,919
Бошоқ узунлиги	0,733	0,781	0,776	0,922	1	0,885
Ҳосилдорлик	0,824	0,694	0,828	0,919	0,885	1

Ўсимликда сув алмашинуви жараёнларини аниқлаш бўйича барг сув танқислиги, сув сақлаш хусусияти ва транспирация жадаллиги кўрсаткичлари ҳамда масофадан объектларни ўрганиш орқали олинган спектрал индекслардан GVMИ, RDI, MSI кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида корреляцион таҳлил ишлари олиб борилган (3-жадвал). Бунда умумий корреляция коэффициентлари 0,603 – 0,836 оралиғида бўлиб, жуда яхши ўзаро боғлиқликни кўрсатмоқда. Фенологик кузатишлар ва масофадан объектларни зондлаш маълумотлари орасидаги корреляция ҳам етарли даражада юқори бўлиб, 0,603 – 0,799 оралиқда ифодаланган.

Сув танқислиги стресси кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион матрицаси

	GVMИ	RDI	MSI	Барг сув танқислиги	Барг сув ушлаш хусусияти	Транс. жадал. (ўртача)
GVMИ	1	0,811	0,836	0,737	0,725	0,603
RDI	0,811	1	0,734	0,678	0,648	0,722
MSI	0,836	0,734	1	0,752	0,793	0,770
Барг сув танқислиги	0,737	0,678	0,752	1	0,758	0,759
Барг сув сақлаш хусусияти	0,725	0,648	0,793	0,758	1	0,713
Транс. жадал. (ўртача)	0,603	0,722	0,770	0,759	0,713	1

Шўрланиш стресси таъсирини ўрганиш бўйича тупроқнинг электр ўтказувчанлик (EC) кўрсаткичлари билан шўрланишни ифодаловчи спектрал индекслардан SI, SR, NDSI кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида корреляцион таҳлил ишлари олиб борилди. Умумий корреляция коэффициентлари 0,791-0,920 оралиғида бўлиб, жуда яхши ўзаро боғлиқликни кўрсатмоқда. Фенологик кузатишлар ва масофадан объектларни зондлаш маълумотлари орасидаги корреляция ҳам етарли даражада юқори бўлиб, 0,791-0,814 оралиқда ифодаланган (4-жадвал).

Шўрланиш стресси кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион матрицаси

	SI	SR	NDSI	EC
SI	1	0,818	0,816	0,791
SR	0,818	1	0,920	0,814
NDSI	0,816	0,920	1	0,791
EC	0,791	0,814	0,794	1

ХУЛОСАЛАР

“Стресс факторларнинг кузги буғдой ривожланишига таъсирини масофадан олинган маълумотлар ёрдамида баҳолаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кузги буғдой ривожланишига тупроқ шўрланиши ва сув танқислиги факторларининг таъсири спектрал индекслар ва дала тажрибалари асосида аниқланган.

2. Тадқиқот майдонларида ўсимликлар ҳолати ва уларга таъсир қилувчи стресс факторлар таҳлил қилинган спектрал индекслар ёрдамида баҳоланган.

3. Турли стресс факторлар таъсири остида кузги буғдой кўрсаткичлари ва спектрал индекслар қийматлари орасида ижобий корреляция қайд этилган.

4. Буғдой ўсимлиги яшил массаси, барг хусусиятлари каби кўрсаткичлар ва масофадан олинган суратлар ёрдамида ишлаб чиқилган вегетация индекслари (NDVI, EVI, GLI) орасида тўғри пропорционал боғлиқлик аниқланган.

5. Сув танқислиги факторини буғдой ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўсимлик тегишли спектрал индекслар (GVMI, RDI, MSI) асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкинлиги кўрсатилган.

6. Тупроқ шўрланишининг буғдой ривожланишига салбий таъсири дала-лаборатория кузатувлари ҳамда масофадан олинган суратлар асосида ишлаб чиқилган спектрал индекслар (SI, SR, NDSI) ёрдамида исботланган.

ТАВСИЯЛАР:

1. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган стресс факторларнинг кузги буғдойга таъсирини баҳолашда спектрал индекслардан фойдаланиш усулини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш;

2. Турли қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши ва физиологик ҳолатини таҳлил қилишда ва тегишли агрометрикатив тадбирларни белгилашда масофадан объектларни ўрганиш услубларидан кенг фойдаланиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.29.08.2017.В.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА

МАДАМИНОВ РУСЛАН РАМАНБЕРДИЕВИЧ

**ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ СТРЕСС ФАКТОРОВ НА РАЗВИТИЯ ОЗИМОЙ
ПЩЕНИЦЫ С ПОМОЩЬЮ ДАННЫХ ДИСТАНЦИОННОГО
ЗОНДИРОВАНИЯ**

03.00.07-Физиология и биохимия растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/B248

Диссертационная работа выполнена в Хорезмской академии Маъмуна.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Усманов Рустам Махмудович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Давронов Кодиржон Сотволдиевич доктор биологических наук, профессор Қурбонбоев Илхом Жуманазарович доктор биологических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз, актовый зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr_anruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрирована за №___ Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз, Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr_anruz@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 года.)

А.А.Нариманов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.-х.н.,
профессор

С.К.Бабоев
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор

М.Ф.Абзалов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хорошо известно, что пшеница является одной из самых распространенных и важных сельскохозяйственных культур в мире. Хотя это растение на самом деле является растением холодного климата, сейчас его выращивают почти во всех частях мира. Условия выращивания также отличаются в зависимости от природных почвенно-климатических условий региона. Китай, Индия, Российская Федерация, США, Франция, Канада, Германия, Пакистан, Австралия и Украина являются ведущими странами по производству пшеницы¹. В настоящее время повышение урожайности и качества зерновых культур, в том числе мягкой пшеницы, является одной из важнейших задач в области обеспечения продовольственной безопасности. Изучение роста, развития и физиологии пшеницы, а также исследования влияния стресс факторов на растения с помощью дистанционного зондирования имеет важное значение.

В последние годы получают широкое развитие и использование технологии дистанционного зондирования и геоинформационных систем для оценки изменений состояния растений в различных фазах онтогенеза и влияния на них стресс факторов. В этом направлении вегетационные индексы, разработанные учеными, широко используются в наблюдениях и мониторинге состояния растений, этапов развития, биомассы и урожайности, а также оценки стрессовых ситуаций, связанных с водой и питательными элементами. Своевременное выявление засоления, засухи и других стрессовых факторов и проведение необходимых агротехнических мероприятий против них в сохранении урожайности является одной из важнейших задач.

